

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

ТАБАРРУК СИЙМО

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ**

ТАБАРРУК СИЙМО

*Мунавварқори Абдурашидхонов таваллудининг 130 йиллиги
муносабати билан*

Методик-библиографик қўлланма

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий
кутубхонаси нашриёти

Тошкент – 2008

78.342

Т 12

Илмий-методика бўлими томонидан тайёрланди

Тузувчи

Н.Алаутдинова

Муҳаррир

Ҳ.Маматраимова

Масъул муҳаррир

О.Қиличбоев

Матн терувчи

З.Жалилова

Табаррук сиймо : Мунавварқори Абдурашидхонов
таваллудининг 130 йиллиги муносабати билан:
Метод.-библиогр. қўлл. /Алишер Навоий ном.
Ўзбекистон Миллий к-наси; Тузувчи Н.Алаутдинова;
Муҳаррир Ҳ.Маматраимова; Масъул муҳаррир
О.Қиличбоев.-Т.: Алишер Навоий ном. Ўзбекистон
Миллий к-наси нашриёти, 2008.-36 б

КБК 78.342+66.3 (5 Ў)6

Ушбу методик-библиографик қўлланма XX аср бошларида ўзбек халқининг миллий озодликка эришиш йўлида фаолият кўрсатган педагог, журналист, жамоат арбоби Мунавварқори Абдурашидхонов таваллудининг 130 йиллиги муносабати билан тайёрланган. Қўлланмада Мунавварқорининг ҳаёти ва фожиали кечмиши ҳақидаги маълумотлар, унинг ижодидан намуналар ҳамда кутубхона, ахборот-кутубхона, ахборот-ресурс марказларида ўтказилиши мумкин бўлган тадбирлар туркуми ва адабиётлар рўйхати берилган. Қўлланмадан мутахассислар ва жадидларнинг фаолиятига қизиқувчи китобхонлар фойдаланишлари мумкин.

**© Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон
Миллий кутубхонаси нашриёти, 2008 й.**

Сўз боши

“Ассосиз тарзда репрессияларга дучор бўлган кишиларнинг ор-номуси, қадр-қиммати, покиза номини тиклашни, уларга етказилган маънавий ва моддий зарарнинг ўрнини қоплашни ўзимизнинг биринчи галдаги бурчимиз деб биламиз”

И.А.Каримов

Ўзбек халқи тарихининг сўнгги 130 йилга яқин даври “оқ” ва “қизил” салтанатлар таркибида кечди. Ўзбек диёрининг моддий ва маданий бойликларини талон-тарож этишини ўз олдига мақсад қилиб қўйган чор ва совет давлатлари халқнинг шу даврда яшаган пешқадам вакиллари – уни ҳур ва озод кўришни истаган, шу йўлда фаолият кўрсатган кишиларни узлуксиз равишда маҳв этиб келди. Шундай мудҳиш сиёсат оқибатида авлодлар ўзбек халқи ичидан XX асрда етишиб чиққан буюк сиймоларни узоқ йиллар мобайнида билмай-танимай келдилар.

Эли учун қуйиб-ёнган, бағри қонидан маёқ кўтарган кишиларнинг номи ҳеч қачон унут бўлмайди. Бундай инсонларни сиёсатбозлар қанчалик қораламасинлар, ўзлари эл-юрт, тарих ва замон олдида шарманда бўлиб қолаверадилар. Зеро, фидойи кишиларни эл-юрт ҳам, тарих ҳам ўз юрагида асраб авайлайди.

Халқимиз арзанда қилиб, авлоддан-авлодга узатаётган ана шундай сиймолардан бири адиб, шоир ва педагог, жамоат арбоби Мунавварқори Абдурашидхоновдир.

Мунавварқори Абдурашидхонов ўзбек халқининг машаққатли XX асрда дунёга келган Ф.Хўжаев, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат сингари буюк сиймоларидан бирidir.

Мунавварқори халқимиз бошига тушган чоризм ва большевизм мустамлакачилиги йилларида “Мен-сендамен: сен-мендасен” ҳикматига мувофиқ элимиз, миллатимиз қалбига маърифат ва озодлик, эрк ва ҳурлик уруғини сочиб, юрт ҳаётининг серташвиш йўлларини мунаввар қилган йўлчи юлдуз эди.

Мазкур қўлланма миллий-озодлик кураши, миллий уйғонишда маънавий куч-қувват ва илҳом манбаи бўлган ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий, миллий демократик ҳаракат-жадидчиликнинг йирик намояндаси Мунавварқорининг ҳаёти ва фаолияти ҳақида қисқача маълумот беради.

Қўлланмадан кутубхоналар, АКМ ва АРМ мутахассислари жадид Мунавварқорининг сиёсий-маънавий қиёфаси, орзу-умиди, фидоий фаолияти билан таништириш мақсадида уюштириладиган оммавий тадбирларни тайёрлашда фойдаланишлари мумкин.

Тадбирларни адабиётшунослар, тарихчилар, сиёсатшунослар, социологлар, файласуфлар, архив ходимлари, журналистлар билан ҳамкорликда ўтказиш тавсия этилади.

Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг ҳаёти ва ижоди

“Мунаввар” – нур олган, нурли дегани. Туркияда ҳозир ҳам бу сўзни зиёли ўрнида қўллайдилар. “Қори” деб Қуръонни маромига етказиб ўқийдиганни айтганлар. У Тошкентнинг маърифатли бир хонадонидида туғилиб, исмига муносиб бўлиб ўсди. Ҳужжатлардан унинг Шайхонтоҳур даҳа, Дархон маҳалласида туғилиб ўсгани маълум бўлади. Отаси Абдурашидхон Сотиболдихон Олимхон ўғли мударрис бўлиб, ўзи яшаб турган маҳалладаги Эшонқули додхоҳ мадрасасида ва ўз ҳовлисида мактаб очиб, 40 нафар ўқувчига дарс берган. Онаси Хосиятхон отин ҳам ўз ҳовлисида хотин-қизларни ўқитган.

Абдурашидхон ва Хосият отин уч ўғил кўришган. Катталари Аъзамхон, ўртанчаси Муслимхон, кичиги Мунаввархон эди. Аъзамхон домла маҳалла мактабидида болаларни ўқитарди. Унинг 1910 йилда Сирдарё вилоят ўқув юртлари инспекторига усули жадид мактабини очиш учун рухсат берилишини сўраб ёзган аризаси ва ўқув дастури сақланган. Ариза ва дастурга қараганда, у болаларга тўрт синф даражасида сабоқ берган. Ўқув дастурини Мунавварқори тузган.

Муслимхон домланинг тақдири ўзгачароқ кечган. У шўро ҳукуматининг барча зулм ва тазйиқи “лаззати”ни тотди. У акаси ва укаси каби дастлаб саккиз йил мобайнида муаллимлик билан шуғулланган бўлса-да, кейинги тўққиз йил мобайнида маҳалладаги Мирза Абдуллабой масжидига имомлик қилади, ҳаёти доимо таҳликада кечади.

Муслимхон домла 1942 йил 27 январда давлат сирларини ошкор қилишда айбланиб қамоққа олинади. Терговчилар уни отишга ҳукм қилишни таклиф қилиб махсус мажлис (особое совещание) ҳукмига юборади. Лекин унинг жиноятини тасдиқловчи далиллар бўлмагани учун, қамоқда ўтирган кунлари жазога ҳисоб қилиниб, 1942 йил 28 ноябрда озод қилинади. Турли жойларда оддий ишчи бўлиб юриб, 69 ёшида вафот этади.

Кичик фарзанд бўлмиш Мунаввархон дастлабки таълим-тарбияни онасидан олиб, хат-саводи чиққач, ўша даврда доврўғи чиққан Усмон домладан сабоқ олади, акалари таъсирида вояга етиб боради. Қуръони Каримни хатм қилиб, “қори” унвонини олгач, ҳали илмга яхши кириб бора олмаганини фаҳмлади. “Юнусхон подшо” мадрасасида бир неча йил таҳсил кўрди, бироқ олган илмидан қониқмади. 1898 йилда Бухорога бориб ҳадис, фикҳ, илми тафсир ва бошқа соҳалар бўйича таҳсилни давом эттирди.

Мунаввар ёшлигидан Ватан тақдири, халқнинг ижтимоий турмуши, “оқ пошшо” ва унинг ўлкадаги мустамлакачилик, руслаштириш ва дини исломни бузиш сиёсати ҳақида ўйлай бошлайди. Мунавварқори ўтган асрнинг 90-йилларида Исмоилбек Гаспирали томонидан Қримда асос солинган “усули жадид” – “усули савтия” (товуш усули)даги янги мактабни очишга бел боғлайди.

1901 йилда Мунавварқори 23 ёшида Тошкент шаҳрида илк усули савтия мактабини очади. Зикр этилаётган даврда Туркистонда, хусусан, Тошкентда мактаб ишига татарлар билан бирга қримлик муаллимлар ўз ҳиссаларини қўшганлар.

“Туркестанские ведомости” газетасининг мухбири Г. Андреев билан қилган суҳбатида Мунавварқори усули жадид

мактабларининг ташкил этилиши ҳақида тўхталиб, бундай дейди: “Шахсан менинг ўзим оғир ҳаёт йўлини босиб ўтдим. Бирон нарсани ўрганиш учун аввал Тошкент, сўнг узоқ муддат Бухоро мадрасаларида таҳсил олишимга тўғри келди. Ҳар ҳолда, мадрасаларда фанларни узоқ йиллар мобайнида ўқишимга қарамай, мен ҳаёт учун зарур бўлган кўп нарсани ола олмадим.

Ана ўшанда мадрасаларда йиллар мобайнида ўқитиладиганларни билимга тез, осон ва енгил олиб борадиган яхши йўлни топиш ҳақидаги фикрга келдим. Мен янги қўлланмалар, фундаментал замонавий педагогика асосида кичик мактаб-мадрасаларни ташкил этишни ҳоҳлардим”. Мунавварқори бошлаган янги мактаб усули Туркистонга тез ёйилади. Унинг ташаббускор жонкуярлари “тараққийпарвар” деб ном олади. Мунавварқори эса уларни бирлаштирувчи раҳбар ва йўлбошчига айланади. Ушбу мактаблар учун “Адиби аввал”, “Адиби соний” каби алифбо ва хрестоматиялар, “Тавжид ал-Қуръон” (“Қуръон қироати”), “Ер юзи” (“География”) сингари қўлланмалар тузиб, нашр этади. Бу дарсликлар 1901-1917 йиллар оралиғида энг ками 2-3, кўпи 9-10 мартагача алоҳида-алоҳида ҳолда нашр этилган.

Мунавварқори ва унинг мактаби юксак нуфузга эга эди. Масалан шундай бир далилни келтириш мумкин: “Ойна” журналининг 1914 йилги сонларидан бирида Махмудхўжа Беҳбудийнинг Туркистонда олий миллий таълим истиқболи ҳақида берган муштарийларнинг саволига жавоби босилган. Беҳбудий унда Тошкентда Мунавварқорининг мактабини мана шундай олий таҳсилга замин бўла олиши мумкинлигини айтган эди.

Мунавварқори миллатнинг юксалиш ва уйғониши фақат мактабгагина боғлиқ деб тушунмайди. У диний, дунёвий ва ижтимоий-сиёсий мазмундаги китобларни, журнал ва газеталарни севиб ўқийди. Айниқса жадиदчиликнинг “отаси” Исмоилбек Гаспирали Қримда чоп этаётган “Таржумон” (1881-1914) газетаси Мунавварнинг миллатпарвар ва халқчил бўлиб етишишига катта таъсир қилади.

Мунавварқорининг шогирдларидан бири Лазиз Азиззоданинг ёзиб қолдиришича, инқилоб арафасида Туркистонга, жумладан, Тошкентга Ўрусия, Туркия, Миср, Эрон ва бошқа шарқ мамлакатларидан юзлаб турли хил илғор рухдаги журнал, газета ва тўпламлар келиб турган. Улар зиёли ва ёшлар орасида, мадрасаларда қўлдан-қўлга ўтиб ўқилган. Булардан Мунавварқори ҳам баҳраманд бўлгани шубҳасиз. У туркий тиллардан ташқари, рус, форс тилларини ҳам яхши билган. У кенг халқ оммасини дунё воқеаларидан хабардор бўлиши зарурлигини тушуниб, газета-журнал ва бадиий-илмий тўпламлар нашр этишга катта эътибор беради.

Ўзбек матбуотининг майдонга келишида Мунавварқорининг хизматлари катта бўлди. У ўзбек матбуотининг дастлабки намунаси 1906 йилнинг 27 июнида чиққан “Тараққий” газетасининг ташкилотчиларидан ва муаллифларидан эди. Ўша йили Мунавварқорининг ўзи “Хуршид” газетасини чиқарди. Газетанинг фаол муаллифларидан бири Худоёрхоннинг ўғли Фансуруллобек эди. Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг Иштирокиюн (социалистик) партиясини кескин рад этган машҳур “Хайрул умури авсотухо” мақоласи мана шу газетада (1906, №6) босилган эди. “Хуршид” газетаси ўз саҳифаларида шариатга оид масалалар билан бир қаторда халқнинг аҳволи, иқтисод ва сиёсат муаммоларини ёритгани учун мусодара қилинади.

Кейинчалик Мунавварқори “Садойи Туркистон” (1914-1915) ни майдонга чиқаришда жонбозлик кўрсатди. 1917 йилнинг мартида эса ўзи муҳаррирлигида “Нажот” газетасини чиқарди. Шу йилнинг июнида эса Тошкентда Аҳмад Заки Валидий томонидан “Кенгаш” журнали ўртага чиқди. Кўп ўтмай, унинг муҳаррирлигини Мунавварқори олиб бора бошлади.

Умуман ўзбек матбуотининг майдонга келишини ҳам, тарихий тараққиётини ҳам Мунавварқорисиз, унинг юзлаб эҳтиросли мақолаларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Мунавварқори XX аср бошидаги ижтимоий-сиёсий ҳаракатчиликнинг, миллий озодлик кўтарилишининг энг эътиборли намояндаларидандир. Абдулла Авланийнинг таржимаи ҳолидан маълум бўлишича, 1901 йиллардан бошлаб

Тошкентда маҳаллий ёшлардан “Жадидлар тўдаси” ташкил топган эди. 1914-1915 йилларда “Садой Туркистон”да муҳаррирлик қилган, 1909 йилда Лев Толстой билан хат ёзишган адвокат Убайдулла Асатиллахўжаев, шоир Абдулла Авлоний, Низомиддин Хўжаев кабилар бу гуруҳнинг фаоллари бўлиб танилдилар. Авлоний унга 1904 йилда аъзо бўлганини маълум қилади. Мунавварқори шунинг асосчиларидан эди. 1909 йилда у бошқа маърифатпарвар жадидлар билан бирга “Жамияти хайрия” тузади. 1913 йилда “Турон” жамиятини таъсис этади. “Мактаб”, “Нашриёт” каби ширкатлар очади. Жамиятнинг мақсади ерли мусулмон аҳолиси орасида маориф-маданиятга рағбат уйғотиш, уларга моддий-маънавий ёрдам бериш, улар учун сахна асарлари тайёрлаш ва кўрсатиш эди. Мунавварқори ёшларни ривожланган мамлакатларда ўқитиш, шу орқали Миллат ва Ватанни фарзандларга танитиш, дунёни англатиш ишларига алоҳида эътибор берди. 1908 йилдан 1923 йилга қадар унинг ғайрат ва ташаббуси билан юздан ортиқ туркистонлик четда ўқиб келди. 1920-1923 йилларда бу ташаббусни Бухорода Фитрат ва Файзулла Хўжаев қўллаб-қувватлаб чиқдилар. Маълумотларга қараганда биргина 1922 йилда Олмонияда ўқиётганларнинг сони 60 га етган.

Мунавварқори гарчи театр асари ёзмаган бўлса-да, Туркистондаги театрчилик ишларининг йўлга қўйилишида Абдулла Авлоний ёнида турди. 1913 йилда тузилган “Турон” жамияти низомида театрчилик ишлари алоҳида таъкидлангани, унинг заминида “Театр ҳаваскорлари труппаси” ташкил топгани бежиз эмас. 1914 йилнинг 27 феврилида Тошкентдаги “Колизей” (ҳозирги Савдо биржаси биноси)да мана шу труппа томонидан “Падаркуш” драмаси биринчи маротаба сахнага қўйилади. Томоша олдидан нутқ сўзлаган Мунавварқори мазкур тантанали маросимда шундай деган эди: “Туркистон тилида ҳануз бир театр ўйналмағонлиғи барчангизга маълумдир. Шу сабабли баъзи кишиларимиз театрға эҳтимолки ўйинбозлик ёхуд масхарабозлик кўзлари ила боқурлар. Ҳолбуки театрнинг маъноси “ибратхона” ёки “улуғлар мактаби” деган сўздир. Театр сахнаси ҳар тарафи ойнабанд қилинғон бир уйга ўхшайдурки,

унга ҳар ким кирса, ўзининг ҳусн ва қабиҳини, айб ва нуқсонини кўриб ибрат олур”.

Матбуот бу кунни “Тарихий кун” деб эълон қилади. Шоир Тавалло эса шу муносабат билан шеър ёзади. Унда шундай сатрлар бор эди:

Чўҳ мунаввар этти оламини Мунавварқоримиз,
Кўрдимиз равшанлиғидин феълимиз, атворимиз.
Ибрат олинг ёшлар, деб тўқди кўздин ёшлар,
Нутқида таҳрир эдуб, бизларни йўқу боримиз.
Чун кўнгулдан биз эшитдук, чин-ачиғ айтган сўзи,
Шунча бидъатларни билдук, вой, биз иқрормиз.

Мунавварқори адиб сифатида ҳам маълум эътибор ва нуфузга эга эди. Хусусан, унинг “Адиби аввал”, “Адиби соний” китоблари дарслик-мажмуа йўсинида ёзилган бўлиб, кўплаб шеърӣй ва насрий ҳикояларни ўз ичига олган. Ҳар бирининг сўнггида “ҳисса” - хулоса чиқарилган. Улар мавзуига кўра ҳар хил. Кўпчилиги тарихий мавзуда. Йўл-йўналишга кўра ибратомуз пандлардан ташкил топган. Тили содда, ўқилиши қизиқарли.

Ҳикоялар орасида XX аср бошидаги тарихий воқеалар, ижтимоӣй-маишӣй турмуш манзаралари ҳақида ёзилганлари ҳам анчагина. Маълум бўлганидек, Мунавварқори бадиӣй адабиёт билан яқиндан шуғулланган зиёлиларимиздан эди.

У 20-йилларда тилшуносликка оид асарлар ёзди. Унинг 1925 йилда эълон қилган Қаюм Рамазон ва Шорасул Зуннун билан ҳамкорликдаги уч бўлимлик “Ўзбекча тил сабоқлари” китоби шу йўлдаги жиддий ишлардан бўлди. Муаллифлар туркча тилшунослик атамалари эндигина шаклланаётган бир пайтда шундай мураккаб ишни амалга оширган эдилар.

Лекин Мунавварқори миллат тарихида биринчи навбатда жамоат ва сиёсий арбоб сифатида қолди. У ўтган асрнинг 90-йиллари охиридан умрининг сўнгигача Миллат ва Ватан равнақи, озодлиги йўлида кураш олиб борди. Унинг бутун ижоди ва фаолияти мана шу икки масала атрофида кечди. Айниқса унинг 17-йиллардаги фаолияти қизғин бўлди. У машҳур 1917 йил феврал воқеаларидан кўп ўтмай, ўша йилнинг мартидаёқ “Шўройи исломия” жамиятини тузди. Миллий, диний

заминга суянган, шариатга асосланган мустақил Туркистон ҳукуматини тузиш ғоясини илгари сурди. “Шўройи исломия”нинг 16-23 апрелда Тошкентда бўлиб ўтган биринчи қурултойида “Туркистон мусулмон депутатларининг марказий Шўроси” тузилиб, Мунавварқори раис этиб сайланди. “Марказий Шўро”да Маҳмудхўжа Бехбудий, Мустафо Чўкаев каби таниқли маърифат ва сиёсат кишилари бор эди.

1917 йилнинг ёзига келиб большевиклар фаоллашдилар. Улар маҳаллий зиёлиларнинг бир қисмини, айрим камбағал тоифаларнинг ўз изларидан эргаштиришга муваффақ бўлдилар. Мунавварқори бундан қаттиқ ташвишга тушди. Октябрь тўнтаришини ташвиш ва саросима билан кутиб олди. Қўқон (Туркистон) мухториятининг қизғин тарафдорларидан бўлди. Мухторият хоинона бостирилгандан кейин халқни уйғотиш, кўзини очиш йўллари кидирди. Октябрь тўнтаришидан сўнг Мунавварқори янги мактаб, ўрта махсус ва олий таълим ташкилотчиларидан бири сифатида фаолият кўрсатди. Мунавварқори ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети пойдеворини қўйган кишилардан бири. У Мусулмон халқ дорилфунунини ташкил этиш мақсадида 9 кишидан иборат ташкилот комиссиясини тузади. Комиссия Мусулмон халқ дорилфунунини уч босқичда ташкил этади: юқори босқич – дорилмуаллимин (ўқитувчилар институти); ўрта босқич – ўрта ҳунар мактаблари; қуйи босқич – бошланғич мактаблардан иборат бўлади. Шу йилнинг майидан декабрига қадар ушбу Мусулмон халқ университетининг ректори вазифасини бажарди. Туркистондаги замонавий олий таълимнинг майдонга келишида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади. Русча Туркистон халқ дорилфунуни ва унинг бўлими Мусулмон халқ дорилфунунини тўла маънодаги олий ўқув юрти бўла олмаса-да, бўлажак давлат университети, ҳозирги – Ўзбекистон Миллий университети учун моддий-техникавий ва илмий-педагогик асос бўлди.

1919 йилда “Туркистон комиссияси” тузилиб, Масков назоратни қўлга ола бошлагач, Мунавварқори ишдан бўшатилади. 1920 йилда Бухорода халқ жумҳурияти ағдарилганда у Бокуда Шарқ халқлари қурултойида эди.

Бокудан қайтгач, Бухоро халқ маорифига ишга юборилади. Лекин тўрт ой ўтар-ўтмас, 1921 йилнинг 20 мартдан Тошкентга чақириб олинади. Икки ойча ишлагандан сўнг, қамоққа олинади. Тўғри, у 1917 йилнинг октябридан кейин ўзининг шўроларга қарши курашини яширин равишда давом эттирган. Жумладан, Октябр арафасида “Иттиҳод ва тараққий” жамиятида қатнашган, жамият совет даврида ҳам фаолият кўрсатгани маълум бўлади. Бироқ кўп ўтмай Мунавварқори қамоқдан чиқарилади ва яна ўқитувчилик қила бошлайди.

1929 йили ГПУ томонидан Мунавварқори иккинчи маротаба қамоққа олинади. Унга миллатчилик айби қўйилади. Уйда тинтув ўтказилиб, барча хужжатлари, китоблари ҳовлисида ёқиб ташланади. Агидуллин сўроқ бошлайди. Дастлабки уч ой мобайнида ўтказилган терговда Мунавварқори ҳам, шериклари ҳам ўзларини айбсиз ҳисоблаб, сўроқ варақасига имзо чекмайдилар. Аммо Давлат Сиёсий бошқармаси(ГПУ) Шарқ бўлимининг бошлиғи К.Бельскийнинг шахсан ўзи ва Агидуллин жисмоний тазйиқ бошлайдилар. 18-20 рақамли азобхоналарда конвейр усулида олиб борилган сўроқлар, узлатхонада сақлашлар, оддий инсоний заруратлардан маҳрум қилишлар маҳбусларнинг иродасини синдириб, сўроқ варақасига имзо чекишга мажбур қилади. Агар сўроқ варақалардаги имзолар, ҳарфларнинг ёзилиши рухий-графологик нуқтаи назардан таҳлил қилинса, маҳбуслар матнларни аллақимларнинг тазйиқи остида ва улар фикрини қўшиб ёзганлари маълум бўлади. У 1931 йилда халқ душмани сифатида отиб ташланди. Мунавварқори бор-йўғи 53 баҳорни кўрди. Шундан 39 йили “инқилоб”дан олдинги чоризм мустамлакачилиги азоби остидаги болалик, балоғат ва фаоллик даври бўлса, қолган 14 йили империя ва ленинча қатағонлик сиёсати томонидан маънавий ҳўрланиш замони бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг собиқ ДХК – ҳозирги Миллий хавфсизлик хизмати архивида Мунавварқорининг “миллатчилик” фаолиятига оид юзлаб тўқиб чиқарилган гувоҳликлар, айбловлар” сақланиб келади. Мунавварқори узоқ йиллар давомида душман сифатида қораланиб келинди. Унинг

тарихимиз, маданиятимиз ривождаги хизматларини ўрганиш ва тақдирлаш ишларининг ҳаммаси олдинда турибди.

Мунавварқорининг ижодидан намуналар

Нутқлар ва мақолалар

Бизни жаҳолат – жаҳли мураккаб

Ҳар миллатни мактаб ва мадрасаси ўлдиғи каби бизни ҳам мактаб ва мадрасаларимиз гарчи бенизом ва беусул бўлса ҳам, йўқ демак даражада оз эмасдур. Ҳар миллат авлодини тарбият ва таълими улумда кўрсатган ҳиммат ва ғайрати каби бизларда ҳам ўз маъсум авлодларини жаҳолат ва ғафлат зулматида қолмоқиға ҳеч бир ризолари ўлмай, қўлларидан келганича таълим ва тарбияти авлодда қусурлик кўрсатмакчи зотлар мавжуддирлар. Ва лекин дунёға нима учун келганин билмай, илм ва маорифға асло рағбат қилмай жонидин ширин болаларини қўча-бақўча кездуруб бечора маъсумни умрини жаҳолат оташина ёндирғувчи беҳамият ва бедиёнот оталар ҳам орамизда оз эмасдур. Кўб диндошларимизни кўрамизки, ўз фарзандларини асло мактабға бермай, орқаларидин эргаштуриб руслар эшикида ўзлари каби хизматчиликға ўргатуб дунёи ва охиратни саодати ўлғон илм ва маорифдин маҳрум қўймоқдин ҳеч бир ибод қилмаслар. Баъзи азизларимиз бордурки, ўғлини қўлидин тутуб мактабға олиб борур. Муаллимдин талаб қилурки, ”Тақсир, шу ўғлимни гўшти сизники, устухони бизники, бир илож қилиб тезлик ила нақд ва насия ёзмокни ўргатиб берурсиз” дер. “Эшакиға ярашур тушови” деган сатрларни мақолича, муаллимларни ҳам аксарлари қонуни таълим ва тарбиятдин бутун-бутун беҳабар кишилар ўлуб, балки ўқув ва ёзувни ҳам лозиминча билмасликлари важҳидин бечора маъсумларни истеъдод уз-зотиясиға назаран икки йил зарифида ҳеч лавозимоти динийяни билдурмоқ мумкин ўлғон ҳолда тўрт-беш йилғача ҳижжа усули бирла дунёи ва охиратга фойдаси ўлмағон Фузулий, Навоий, Хўжа Ҳофиз ва Бедиллар каби мушкул манзума китобларға умри азизини барбод этарлар. Эй ватандошлар! Дикқати назар

ила боқинг! Бир болани мактабга бермакдин мақсуд ва ижобати диниямиз ўлғон илми қироат, масоили эътиқодийя, фарз, вожиб, суннат, мустаҳаби ҳаром, макруҳ, намоз ва рўза, ҳаж ва закотларини ва ҳам зарурияти дунёвиямиз ўлғон илми ҳисоб, жуғрофия, таворих, хусусан тарихи ислом каби фойдалиқ илмларни билдурмоқ ўлғон жоҳил домлаларни таълими “Фалоннинг қоши қаро, кўзи қаро, юзи оқ, сўзи ширин” деб болаларни фасод ахлоқиға биринчи сабаб ўладурғон манзума китоблар ўлмиш.

Бу хусусда отада ҳам айб йўқ. Чунки бу бечорани эътиқодида болани ўқутмақ ёлғиз нақл ва насия ёздурмоқдин иборатдур. Муаллимда ҳам айб йўқ. Чунки бу зикр қилинғон умуми заруриятларни бечора муаллимни ўзи ҳам билмас, балки баъзиларини исмини ҳам эшиткон эмас. Бечора на қилсун? Ночор, бефойда бўлса ҳам, мактабларда болаларга ўқитгудек булардин бошқа бир китоб топилмағон замонларда ўзи ўқуб билғон китоблари шу китоблар ўлдиғ-чун эски ўрунларда эски тушларини кўрмакдадур. Мани бу сўзимдин Фузулий, Навоий, Хўжа Ҳофиз, Бедиллар каби улўғ зотларни таҳқир қилди, деб гумон қилинмасун. Чунки мани ғаразим бу китобларни зотини бефойда демак эмас. Балки ёш болаларга бу китобларни таълими бефойда демакдур. Масалан, бир болаға Фузулий ўрниға илми қироат, Навоий ўрнида масоили эътиқодийя, Хўжа Ҳофиз жойиға масоили амалиёт, Бедил бадалиға илми ҳисоб ўқутулса, дин ва дунёси учун қанча фойдалар ҳосил қилиб мусулмон ўлур. Билъакс, бу китобларни ўз ўқитулғон ҳолда бу фойдалардин маҳрум қолиб, балки фасоди ахлоқға мубтало ўлмоғи ҳам эҳтимолдур. Чунки бу китобларни тасниф қилғон зотлар Аллоҳ таолого қарибат пайдо қилғон кишилар ўлғонлари учун этгон сўзларини зоҳири шариатға муҳолиф ўлса ҳам, ҳақиқати мувофиқдур. Чунончи, мавлоно Фузулий дерки, фард:

Санамлар саждасидур, бизда тоат тангри-чун, зоҳид
Ким, ки кўрсанг, сан ўз динингда таклифи намоз айла.
Ёки

Хўблар меҳроб абрўсина майл этмаз фақйа,

Ўлса, кофирдур, мусулмонлар, анга қилманг намоз.

Мавлоно Ҳофиз дерки:

Май нўш, ким умри жозидоний ни аст,
Кайфияти рўзгорӣ фоний ин аст,

Ҳангоми гул лолау ёрон сармаст,
Хуш бош, дамеки зиндагонӣ ин аст.

Бу каби сўзларни зоҳири муҳолифи китоби суннат бўлса ҳам, ҳақиқати бошқадур. Аммо ёш болалар, шубҳа йўқдирки, бунӣ ҳақиқатини билмаслар. Балки, ўқутғон муаллимлари ҳам билмаслар. Ночор зоҳирӣ ила амал қилиб, фасоди ахлоқға мубтало ўлмоқ хавфи бордур. Баъзи жуҳало дермишки, бу тартиб ҳазрат Имом Аъзамни тартиблари, бунӣ бузаман деган кишини ўзи бузилур. Ажабо, бу каби жаҳолат ҳам бўлурму? Бу жаҳл-жаҳли мураккаб эмасму? Чунки бу жоҳиллар ҳазрат Имом Аъзамни умрларида бу китоблардин ҳеч бир асар ўлмоғонини билмаслар. Билмаганларини ҳам билмаслар. Қачон ул жанобни замонларида Фузулий ё Бедил, ё Хўжа, Ҳофиз, ё Навоий бор эди? Қачон ул жаноб бу китоблардин болаларға таълим бердилар? У жаноб каби зотни хулқлариға бу каби ёлғон, ифтиро, тухмат қилғон жоҳилни иншоолло ўзи бузилур.

Баъзи нодонлар дермишки, шу китобларни ўқумағунча болаларни саводи чиқмас. Бу ҳам эътиқоди фосид ва давоъи бедалилдур. Чунки бу эътиқод дуруст бўлса эди, Туркистон вилоятидин бошқа вилоятларда ҳеч кимни саводи ўлмас эди. Ваҳоланки, бошқа вилоятларда ҳам билмайдурғон киши юздан ўн ўлса, Туркистон вилоятида юздин тўқсондур. Мундин ҳам маълум ўлурки, савод чиқмоқ бу китобларни ўқумоқға мавкуф эмас. Балки бу китоблар ғоят қийинлигинин болаларни бесавод қилмоғига ҳам сабаб ўлур. Чунки бу китоблар ўқулдурғон мактабларда эллик боладан ўн бола тўрт-беш йилда базўр ушбу китобларни ўзинигина хатини тануб чиқур. Бошқа китобларни яна дуруст билмас. Аммо бу китоблар ўқилмайдурғон жадидий мактабларда икки йил ичида эллик болани қирқ тўқузи, балки

ҳаммаси алайалсавия неча хил илмлардин имтиҳон бериб чиқар. Боз бу китобларни ҳам билур. Хайр, дурустроқ ҳам билмасун? Лекин, билмагани бирла бу болани дунёсиға вамна охиратиға ҳеч бир зарар йўқ. Чунки бу китобларни ўзини дунё ва охиратға ҳеч бир фойдаси йўқ. Балки зарарини эҳтимоли болада зикр қилинди. Хайр, келалук садди каломга. Ўғлини мактабга бермакдин мақсади нақл ва насия ёздурмоқ ўлгон жоҳил отани ўғлига қилгон, муаллим бечорани мактаба берган кулфатини ёзиб битурмак мумкин эмасдур. Кўргуси ва билгуси келган киши бизни Тошкент мактабларининг бириға кириб, икки соат истиқомат қилсун. Чунки, демак мумкиндики, муаллим афанди кўлида зўр бир таёқ, қайси болани боши ҳаракатдан қолса, ушбу таёқ шу болани бошида ўлур. Аммо ўқуғон-ўқумағон ила ҳеч кимни иши йўқ. Бошини қимирлатиб ўлтурса, кифоя қилур. Ҳаттоки, ўткан йилларда бу тариқа золим муаллимларни таёқини остида вафот қилмоқ ҳам воқеъ ўлди. Бу тариқа золим ва бадхулқ жоҳил муаллимларни тарбиясида ўскан болалардин нима умид қилмоқ керак. Фасоди ахлоқдин бошқа бир иш ўрганмас. Жоҳил оталарни умид этдуклари нақд ва насия ёзмок ҳам танҳо ўндир бир, йигирмадин бир болаға ҳосил ўлуб, бошқалари эса “Мактабда ўкумок игна ила чоҳ қазимокдан ҳам қийин (мушкул) экан”, дея-дея қочар-кетар. Бунга сабаб муаллимнинг бадхулқлиги, мактабни бенизомлиги ўлур. Агар бизларни мактабларимиз бошқа миллатлар мактаблари каби бир низомға қўйилуб, яхши муаллимлик вазифасини лозиминча адо қилурлик кишилардин муаллимлар тайин қилинса эди”, маъсум авлодаримизни руҳоний ҳаётиға, дунё ва охиратини саодатиға биринчи сабаб ўладургон ҳам ва маорифин бу даражада маҳрум ўлмоқиға сабаб ўлмас эдук. Эй қардошлар ва эй миллатдошлар!! Кўзумизни ғафлат уйқусидин очиб атрофимизга назар солмакимиз лозимдур. Ҳар миллат ўз саодати, ҳол ва истиқболини муҳофазатиға биринчи восита илм ўлмоғиға қаноат ҳосил қилуб, илм ва маорифға ортуқ даражада қўшиш қилгон бу замонда бизлар бу ғафлат ва жаҳолатимизда давом этсак, истиқболимиз ниҳоятда хавфлик ўлуб, ҳамма оламга масҳара ва кулгу ўлмоғимизда шубҳа йўқдур. Балки бу жаҳолат зулматида

саодати охириядан ҳам маҳрум қолмоқ хавфлидур. Бу жаҳолат натижасидурки, ўзимиз ерлик мусулмонлардан ўлдуғимиз ҳолда, мусофир ва рус ва яҳудийлар эшикида мардикор ва хизматчи ўлдук. Ва бу жаҳолат хоҳишидурки, миллат фойдаси учун жонин қурбон қилмоқға лойиқ арслон каби йигитларимиз бутун миллатни ёдларидин чиқариб, истеъдод ва ғайратларини чойхона фивахоналарга сарф этмакдадурлар.

“Тараққий” газетаси, 1906 й. 14 июнь, № 1

“Шўройи ислом” қарорномаси

Муҳтарам мусулмонлар!

Ҳозирғи қийматчилик ва озиксизлик шул қадар кўрқинчилуқ даражага бордики, кўп оилалар, фақир ва бечоралар пулга ҳам озук тополмасдан, кўчаба-кўча саргардон бўлиб, неча кунларгача оч турмоққа мажбурият кўрурлар. Ҳозирда давом этуб турғон дахшатлиқ уруш, бу йилғи сувсизлик ва чоғирдка балолари бу ҳолни минбаъд яна кўрқинчлироқ даражага олиб борадирғонға ўхшаб кўринадур. Туркистон мусулмонларининг съезди мана шу ҳолни эътиборға олинмак орамизда бўлуб турғон баъзи бидъат ва исрофот ишларини, чунончи, тўй, маърака, гап, базм, ялочи, қозоқлар орасидаги улоқ, пойга ва жаноза бўладурғон исрофотни билкуллия барҳам бермоқға қарор берди.

“Шўройи исломия”нинг 12 апрелда воқеъ умумий мажлисида Тошканднинг қозилари ва уламолари ҳам бу ишнинг аксарини шариатга ҳилоф топдилар ва ўз оралариндан бир комиссия сайлаб, тўй ва маъракаларини шул комиссияларға топшурдилар.

Биринчи. Жаноза куни имом ва уламоларға йиртиш ва чопонлар улашмоқ, қариндош-уруғларға қора кийимликлардек нимарсалар бермоқ, йуғучи ва отунларға ижройи хизматларидан зиёда ҳар хил кийимлар бермоқ, отунлар келиб товуш чиқориб ўқимоқ, садр қилмоқ, хотунларға улашиладиғон етти, гул, қовоқ оши, қор ёғди, лайлак келди, қовун-тарвуз, йигирма, қирқ, ҳайит, фотиҳа ва йил ошидек халқа ош бериладурғон исрофдир; қозоқлар орасидаги йил оши, пойгалар ва аҳли касабалар тарафидан арвоҳ, пари исми билан бералидурғон ош ва

зиёфатларни йўқ қилинди ва булар бадалиға жаноза куни давлатлик кишилар уламо-имомларға пул бериш, хайрот қилмоқлари ҳам юқорида мазкур маърака кунларида маҳалладан уч-тўрт киши чақириб, хатми Қуръон қилдирмоқлари мумкин.

Иккинчи. Қиз тўйларида совчигарчилик, патир, кичик тўй, қозон қайтариш, катта тўй, базм ва кеча исрофлари ва юз кўрар, ҳайитларда мол ёйиб, келин кўрмоқ, қиз оши бермоқ ва никоҳ кунларида ялочилар ўйнамоқ, ёр-ёр айтмоқ, хотунларнинг ҳар бирига алоҳида нон ва ошлар тортмоқ, “тўққиз-тўққиз”, сандуғларда чуриб кетадурғон гулкўрпа, фалак, кўрпалардек фойдасиз моллар, кўчалардин миёнча кўтариб ёки ароба ва туяларга ғалла ва бошқа хил нарсалар ортиб тўй юбормоқ, қозоқлардаги қалин олмоқ ва шунга ўхшаш исрофот ва бидъатлар билкуллия мамнуъдир. Бунлар ўрнига келин ва куёв тарафлари кийим ва зарурият уй асбоблари тўғрисида пул ила битишсунлар, ҳам никоҳ куни куёв ўзи ошналари ва маҳалла кишилари бирлан бекарнай, фақат сурнай билан боруб, никоҳ қилурлар ва келин тараф ўз қариндошлари бирлан келинни олиб борурлар. Фақат куёв ила борадурғон кишиларнинг йигирма-қирқ кишидан ошмаслиги лозимдур. Чорлари ҳам мартаба куни бўлиб, куёв ила бирга борадурғон кишилардин келин ила борадурғон хотунлар ҳам ўн кишидан ортуқ бўлмасун. Чорлари фақат таом емоқ учунгина бўлиб, тугиб олиб кетмоқлари ва яна бешик тўйи, чиллагаризонлар бутунлай йўқолиб битсунлар.

Учинчи. Ўғил тўйида атрофдаги маҳаллалардан одамлар чақируб, ош бермоқ, улоқ бермоқ, хотун оши бермоқ, хатна қилинадурғон болаларга наша ва ҳам кўчаба-кўча саргардон қилиб, оқча йиғмоқ ва шунларға ўхшагон исрофлар билкуллия мамнуъдир. Фақат давлатлик кишилар уламо ва имомларни чақируб, кичикроқ бир мавлуд мажлиси ясаб ва фақир кишилар маҳалладан уч-тўрт кишинигига чақируб, ўғилларини хатна қилдирурлар.

“Шўройи исломия” давлатлик кишилардин илтимос қиладурки, мавлуд мажлисини ҳам кўб катта юбормасдан, мумкин қадар қасди риоя қилсалар (тежаб сарф қилсалар) ҳам

тўйда... пул ва ғалла сарфи маҳалларидаги оч ва яланғоч, бева-
бечораларга, мактаб ва мадраса ва “Жамияти хайрия”ларга
берсалар.

Ушбу тартибга муҳолифат қилгон кишиларнинг маърака ва
тўйлари тўхтамли ва айбнома (протокол) ёзуб, қозиларга
топшурмоқ ва шаҳар бошлуқлариға ҳавола қилинади. Бундай
кишиларга иттифоқи муслиминни бу ким омилини ва шаръан
ҳаром бўлгон исрофгарчилиғини белги учун мухтарам қозилар
шариатга мувофиқ қаттиғ жазоға мустаҳиқ қиладурлар.
Мухтарам маҳалла имомлари ва маҳалла комитетларидан
илтимос қиладурки, ушбу эълонномани халққа тушунтириб,
халқни ушбу тартибдан чиқмаслигига тарғиб ва ташвиқ
қилсалар эди. Чунки жаноби Ҳақ таъолий исроф қилғувчиларни
суймас.

“Шўройи ислом” раиси муовини

Мунаввар қори

Комиссиялар:

Мулло Саид Аҳрорхон маҳзум,

Мулло Муродхўжа эшон,

Мулло Абдусаъмеъ қори.

“Нажот” газетаси, 1917 йил, 27 апрель

Ҳикоялар

Қандай қуллик тушди?

Кўм-кўк майсалар, яхши сабзалар билан ўралган кенг, гўзал
бир қирнинг устида бир айғир от ёлғиз ўзи ўтлаб юрар эди. Янги
чиққан ям-яшил, кўм-кўк ўтларнинг энг яхшисини толалаб-
толалаб ер эди. Еб, қорни тўйгандан сўнг у ёқ-бу ёққа ўйноқлаб,
кишнаб юрар эди. Ҳеч кимни ёнига йўлатмас эди. Ёлларини
йилтиллашиб юриб, чарчагандан кейин, даланинг ҳар хил хуш
исли чечаклар очган текис ерларига бориб ағанар эди.

Бир замон бу ерга бир ҳўкиз келиб қолди. Даланинг роҳат-
гўзаллигини кўргач, шу ерда қолмоқчи бўлди. “Дала-кенг, текис,
ўтлар қалин. Сувлар тиниқ, худди тоғларнинг тепасидаги
яйловларга ўхшайди, ўти менга ҳам етар, отга ҳам етар”, деб
ўйлади. От буни кўриб аччиғи келди. Қувлаб юбормоқчи бўлиб

келган эди, хўкиз сузиб, яқин келтирмади. Шундан сўнг отга жуда алам қилиб, одамнинг ёнига келаб: “Ўртоқ, шу хўкизни қирдан қувлаб юборишга кўмак қилсанг-чи”-деди. “Тузук, сенинг бу илтимосингни қабул қилиб, хўкизни қувиб юбораман, аммо тез қувлаш учун сенинг орқанга эгар, оғзинга юган солиб, устинга отланишим керак бўлади. Шунга кўнасанми?”-деди.

От бу шартга унади. Одам эгарлаб ва юганлаб, отни миниб олиб, қирга чиқди. Хўкиз буни кўргандан кейин қирдан қочиб кетди. Хўкиздан қутулгач, от кишига: “Қани, ўртоқ, устимдан туш, эгар-юганингни ол, хўкизни ҳайдаганинга раҳмат”-деди. Киши отдан тушди, лекин отнинг оғзидан юганни олмади. Бунинг устига оёқларига ҳам кишан солди. Шу кундан бошлаб бир ерга бормоқчи бўлса, дарров отнинг устига эгар солиб, миниб борадиган бўлди. От эса одамга қул бўлиб қолди.

Девпечак

Бир куни деҳқон саккиз ёшли ўғлини етаклаб боғчасига кирди. Боғчада олма, нок, шафтоли, ўрик, анор, анжир ҳам узум каби ҳар турли емиш оғочлари ям-яшил бўлиб кўкарган. Ўрикларнинг довуччалари ёш болаларни қизиқтирадиган бир тусда осилиб турган эди. Ота-бола боғчада кеза-кеза бир ёш ўрик оғочининг тагига етдилар. Бола қўл узатиб, ҳалиги ўриқдан икки-уч дона узиб оғзига солди. Ўрик думбул эди. Қарс-курс чайнагандан сўнгра: “Отажон, бу ўрик қандай чиройлик ҳам қандай тотли!”-деди. Отаси: “Ўғлим! Бу ўрик оғочини сен туғилган кунда сенга атаб эккан эдим. Ҳозирда бу ҳам сенга ўхшаб, саккиз ёшга кирди. Иккинги тенгсиз, бу кундан бошлаб, оғочнинг эгаси сен. Сен ўзинг бок, ўзинг суғор, емишларини истаганча е, ўртоқларингга бер, нима қилсанг, қил!”-деди.

Бола отасининг бу сўзларига жуда севинди. Оғочга яқинроқ бориб, диққат билан қаради. Оstdан бир ўт чиқиб, оғочга чирмаша бошлаганин кўрди.

- Отажон, бу қандай ўт, нима учун менинг ўригимга чирмашадир?

- Ўғлим! Бу девпечак деган ўтдир. Буни тезлик билан юлиб тозаламаса, бир неча кун ичида бутун оғочни ўраб олиб, дарров қуритадир. Бу ўт учун илдиз ҳам керак эмас, оғочнинг бир шохида озгина бир бўлаги қолса ҳам ўсиб кетиб, бутун шохларни қоплайдилар.

- Бўлмаса, эртага кириб бу душманни бутун илдизларини юлиб, ўригимни тозалаб қўяман.

- Балли, ўғлим, шундай қил, унутма!

Ота-бола бу суҳбатдан сўнг қўл ушлашиб, боғчадан чиқиб кетдилар.

Эртасига боланинг эсидан ўриги чиқиб кетди. Орадан ўн беш кун ўтди. Боланинг эсига бирдан боғчадаги ўриги ва унга чирмашган девпечак тушди. Югурганча боғчага кирди, ўрикнинг тагига бориб қараса, аллақачон девпечак ўрикни бутун шохларига ўраб олган, яшил япроқларни сарғайтирган, тотли емишларини сўлдирган эди.

“Хотираларим” асаридан

1928 йилнинг бошларида СССР Халқ Комиссарлари кенгаши қошидаги Бирлашган давлат сиёсий бошқармасининг (ГПУ) Ўрта Осиёдаги мухтор вакили К.Бельский Мунавварқорини чақириб, жаидчилик ҳақида у пайдо бўлганидан бошлаб то ҳозиргача ёзиб келишни талаб қилади.

Мунавварқори жаидчилик ҳақида пайдо бўлганидан бошлаб февраль инқилоби ва октябрь тўнтаришигача ҳамда шўро давридан иборат уч қисмда ёзиш режасини тузиб, Бельский ва Агидуллин (ГПУнинг катта ваколатли вакиллари)га кўрсатади. Уларга режа маъкул бўлади. Мунавварқори ўз хотираларини уч нуқтаи назардан: 1) сўроқ учун; 2) тарих учун; 3) матбуот учун ёзганини таъкидлаган. Бинобарин, бу, “нозик дидлик тадқиқотчи, баъзи гаплар учун мени айблама” деганидир. Қуйида ушбу хотиралардан парча келтириб ўтамиз.

Бизларнинг синфий дунёқарашимиз негизида синфларни инкор этиш ётади. Бизлар синфларни билмас эдик, агар йирик буржуазия деб ҳисоблаётган катта ер эгалари ва савдогарларнинг жуда озгина гуруҳи ҳисобга олинмаса,

бизларнинг кўз ўнгимизда ҳамма тенг эди. Буржуазия тўғрисида гапирганда бизлар йирик савдогар ва катта ер эгаларинигина назарда тутар эдик. Бизлар шўро ҳукуматининг мана шуларга эмас, балки майда ва ўрта ҳол буржуазияга нисбатан олиб борган тадбирларига қарши бўлдик. Бинобарин, бизлар асосан майда буржуазия манфаатларини ҳимоя қилдик: мана шундан бизларнинг октябр инқилобидан кейин мамлакат сиёсий ҳаётида тутган ролимиз, шўро ҳукумати, йўқсил дактатурасига қарши олиб борган курашимиз тушунарли бўлса керак. Бизларнинг мустақиллик ҳақидаги шиоримиз, аввал буржуа-демократик Туркистонни, ундан сўнг эса Ўзбекистонни ташкил этиш, ҳокимиятни майда ва ўрта буржуазия кўлига бериш тўғрисида ҳаракатимиз ана шундан келиб чиқади. Пантуркистик интилишлар ҳам ўз ўрнига эга эди. Бизнингча, буларнинг оммавий кўриниши Ўрта Осиёдаги туркий халқларнинг ҳаммаси учун умумий бўлган тил яратишдан иборат бўлиши керак эди. Бизлар шу умумий тил орқали бу халқларнинг бирлигини осонгина мустаҳкамлаймиз деб ўйлаганмиз. Бизларнинг пантуркизм Ўрта Осиё доирасидан четга чиқмас эди, чунки бизлар уни бугунги куннинг оммавий вазифаси деб тушунганмиз. Пантуркизм ғоясини бутун туркий халқларга нисбатан амалга оширишга (“Буюк Турон” ғоясига) бизлар ишонмас эдик. Фақат турк ҳарбий асирлари келиб ишлай бошалаган пайтда бизларда бу интилиш бироз жонланди.

Ўзбек ва қозоқ қишлоқ тилларида ўхшашлик борлигини ҳисобга олиб, улар асосида умумий тил яратмоқчи бўлган эдик. Мана шу умумий тил асосида умумий адабиёт яратишни ҳам ўйлаган эдик.

Бизнинг пантуркизмнинг туб сиёсий мазмуни шундан иборат эдики асосий мақсад бўлган мустақилликка бутун Ўрта Осиё халқларининг ягона ҳаракати билан тезроқ эришиш мумкин деб ўйлагандик...

“Чиғатой гурунги”га бирлашиб Фитратга эргашган ёшлар янги ўзбек адабий тилига асос қилиб Навоий, Чиғатой турклари тилини олди, эски атамалар (арабизм ва форизм аралашмаси) барча туркий тиллардан, ҳатто ўлик Чиғатой тилидан олинган

янги атамалар билан алмаштирилди. Мана шулар асосида ва ўз навбатида эса, алифбо масаласида бизлар билан фитратчилар ўртасида келишмовчилик пайдо бўлди. Аммо бунинг сиёсий ғояларга даҳли йўқ эди.

Мен афғон консули Ғулом Жайлоний олдида борганим ва у билан ўзимнинг Афғонистонга кетишим ҳақида гаплашганимни Миён Бузрук Солиховга айтган эдим. Миён Ўзбекистонга қайтиб келгандан афсусланиб гапирди ва имконият бўлса яна Афғонистонга ўтиб кетиш хоҳиши борлигини айтди. Унинг ўзи айтишича, у афғон ҳукумати рухсати билан Ҳиндистонга бориб, кейин у ердан Туркияга, Истамбулга ўтади...

Афғон консули билан гаплашишдан мақсадим ўзим ва менга яқин бўлган кишилар, масалан, Салимхон, Миён Бузрук, Муротхўжа, Саидкамолхон, Миросат Мирзокиров, Муҳаммадрасул домла, умуман 10-15 кишининг Афғонистонга ўтиб кетиш хоҳишини амалга ошириш бўлган эди. Консул билан гаплашганимда фақат Салимхон билан Миён Бузрукни тилга олган эдим. Бошқалар ҳақида эса ҳеч нима демадим, чунки булар эртами кеч у ёққа кетишга мажбур бўлар эди. Консул Кобулга хат ёзиб, хат олишга ҳатто Афғонистонда ўқитувчи бўла оладиганларга махфий равишда рухсатнома (виза) беришга ваъда берди. Консул билан бўлган музокара натижасини мен фақат Миёнгагина айтдим. Кобулдан жавоб келишини кутишга қарор қилдик. Бачи Соқов исён кўтариши муносабати билан бизда Афғонистонга кетиш орзуси йўқолди, аммо Омонулла ҳукумати, қайта тиклансагина ўз ниятимизни амалга ошириш умидида бўлдик...

Консулнинг моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаши тўғрисида: охириги пайтларда ҳеч қандай кўмак бўлмади. Фақат шуни айтиш керакки, консуллик ходими Мансурхон мени таништирган консул ўрнига келган янги консул 1923 йилнинг охириларида мендан миллий фаолият аҳволи ҳақида сўради ва Афғонистондан моддий ёрдам келиши мумкинлигини маълум қилди. Мен унга фаолият давом этиши учун энди одамлар ҳам, маблағ ҳам йўқ. Қўшни давлатлардан бирортаси ҳам бизга ёрдам беришни хаёлига келтирмайди, дея кулимсираб қўшиб ҳам

қўйдим. Шундай кейин у агар илтимос қилинса, Кобулдан моддий ёрдам келиши мукинлигини баён қилди.

Бу суҳбат ҳамда афғонларнинг ёрдам бериш ваъдаси тўғрисида мен Саидносир Миржалиловга (назаримда Толибжон Мусобоевга ҳам) айтдим, шунингдек Сайидвали семизнинг уйида 1924 йилида Убайдулла Хўжаев, Саидносир, Толибжон, Шаҳоб Нишон ва бошқалар иштирокида бўлган йиғилишида ҳам гапирдим, қатнашганлар рўйхати сизларда ҳам бор...

Бизлар айниқса, миллий чегараланиш ўтказилгандан кейин пировард мақсадимиз – буржуа-демократик Ўзбекистонни барпо этишни амалга ошириш умидида ўз фаолиятимизда асосан қўйидаги уч ҳолатни ҳисобга олган эдик:

1. Омадда миллий руҳни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш.

2. Шўро ҳукумати томонидан кўтарилган шўро аппаратини маҳаллийлаштириш ҳақидаги шиордан фойдаланиб, аста-секинлик билан шўро аппаратини, унга миллий кайфиятдаги кишиларни жойлаштириш йўли билан қўлга олиш.

3. Муҳожирлар билан алоқани ташкил этиш, муҳожирлар ва уларнинг оилаларига (шунингдек, аксил-шўравий фаолиятда жабрланганларга ҳам) ёрдам бериш.

Бизлар ўз фаолиятимизни бу кўрсатилган вазифаларга қаратишда, шўро ҳокимиятининг Оврупо буржуазияси билан тўқнашувда муқаррар равишда ҳалокатга учрашини назарда тутдик. Бизлар унинг (шўро ҳокимиятининг) йўқ қилинишига ишондик ва бунга тайёргарлик кўришга, шўро ҳокимияти ҳалокати юз берганда ҳокимиятни қўлга олишга тайёр туришга қарор қилдик. Бизлар ўз ҳисобимизда шу ҳолатни ҳам назарда тутдикки, шўро ҳокимияти ва комфирқа жаҳон буржуазияси сиқувида бардош беролмай, аста-секинлик билан ўз нуқтаи назаридан, меньшевиклар томон қайтишга мажбур бўлади ва охир-оқибатда ҳалокатга учрайди, деб ишондик. Шу ерда, менимча, Убайдулла Хўжаев баёнотини мисол тариқасида келтириш ортиқчалик қилмайди. У шўро ҳокимияти ўзининг биринчи ўн йиллигига бормасданоқ, албатта Оврупо буржуазияси билан тўқнашувда ҳалок бўлади, агар биринчи ўн

йилликда у ҳарбий тўқнашувга дучор бўлмаса, аҳвол анча қийинлашади, деб айтган эди.

Юқорида кўрсатилган уч асосий ҳолат ўша Шоҳабутдин эшоннинг уйида бўлиб ўтган йиғилишда биз тузмоқчи бўлган аксилинқилобий ташкилот ва унда тузилган Марказий кўмита ишининг мазмунини ташкил этиши керак эди. Ташкилотнинг номи масаласи ўшанда очиқ қолдирилади.

Чегараланиш миллатчилик майлларининг кучайишига туртки бўлди. Бизлар миллатчиликнинг ўсишини ҳамма жабҳаларда – оммада ҳам, матбуотда ҳам, адабиётда ҳам, ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳасида кузатиб турдик. Бу ҳолатдан бизлар миллийликни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун фойдаланишга азму қарор қилган эдик.

Комфирқа ва шўро ҳокимиятининг ич-ичидан айнаб кетиши ва ҳарбий мағлубият туфайли ўлимга маҳкумлигини ҳисобга олган ҳолда, биз ўзимиз белгилаган вазифаларни рўёбга чиқариш учун амалий ишга киришдик.

Миллий ғоя, миллий руҳни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш соҳасидаги тарғибот ишларини олиб бориш коммунистик кадрларнинг (савияси) паст бўлганлиги сабабли осон кўчди. Тошкентдаги газета ва журналларнинг редакцияларида ҳамда адабиётда Ғози Юнус, Жулкунбой, Санжар, Элбек каби миллий зиёлилар катта рол ўйнаши билан бирга, салмоқли таъсирга эга эдилар. Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларида ҳам аҳвол шундай эди. Гапнинг қисқаси, матбуотда миллий таъсир коммунистик таъсирдан кучли эди. Масалан, чегараланишдан кейинги дастлабки даврдаги миллий матбуот аҳволи тўғрисида аниқ ва тўғри тасаввурга эга бўлиш учун маҳаллийлаштириш масаласи соҳасидаги газета мақолалари билан танишишнинг ўзи кифоя. Ғози Юнус очиқдан-очиқ ёзса, бошқалар ўзи миллий ғояларини инқилобий сўзлар остига олган ҳолда, эҳтиётлик билан ёзади.

Чўлпондан ташқари, миллий руҳдаги ёзувчилардан Элбек, Фитрат ва бошқаларни кўрсатиш мумкин (масалан, Фитратнинг “Турк ўғли” мактабларда “Байналмилал” ўрнида ашула қилиб айтиларди).

Миллийлик руҳи иложи борица бадий адабиёт ва дарсликларга, шу жумладан, ўзбек тили ва адабиёт дарслигига сингдирилишга ҳаракат қилинди. Мисол тариқасида мен, Шорасул Зуннун ва Қаюм Рамазоний томонидан тузилган ўзбек тили дарслигини кўрсатишим мумкин. Унинг тўртинчи қисми мусодара қилинган, олдинги уч қисми эса ўзгартиришлар билан қайта чоп этилган. Шорасул Зуннуннинг грамматикаси (“Тил қоидалари”)да Чўлпоннинг ҳали эълон қилинмаган, даврдан нолувчи шеърдан парча ҳам бор эди...

**Мунавварқори Абдурашидхоновнинг 130 йиллиги
муносабати билан кутубхоналар, АКМ ва АРМларда
ўтказилиши мумкин бўлган тадбирларнинг методик
ишланмаси**

Оғзаки журнал

Мунавварқори Абдурашидхоновнинг 130 йиллиги муносабати билан кутубхоналар АКМ ва АРМларда оғзаки журнални ўтказиш мумкин.

Оғзаки журнал ўтказиш учун тадбир ўтказиладиган жойни жиҳозлаш, мутахассисларни таклиф этиш, журнал саҳифаларида сўзга чиқиш учун мутахассисларни ёки китобхонларни тайинлаш, тартибни режалаштириш, журнал муҳарририни тайинлаш, мусиқали ёзувларни бир жойга тўплаш, кутубхонада эълон бериш, таклифномалар тайёрлаш ва уларни белгиланган шахсларга юбориш ва шу каби ташкилий ишларни амалга ошириш зарур.

Журнал саҳифалари 3-5 тагача бўлиши мумкин. Кутубхонада ўтказиладиган кечалардагидек оғзаки журнални ҳам бошқарувчи, бу ерда муҳаррир деб аталувчи шахс очади. Одатда муҳаррир ҳар бир саҳифани очишдан илгари қисқача кириш сўзи сўзлайди, сўнг навбатни сўзга чиқувчига беради. Журналнинг саҳифалари суҳбат, ахборот, олимлар, мутахассислар, машҳур кишиларнинг чиқишлари, шеърлар, мусиқа асарлари, бадий асарлардан парчалар намоиш этиш ва шу кабилардан иборат бўлади.

“Оғзаки журнал” деган номнинг ўзиёқ унинг босма журнал билан қандайдир ўхшаш жиҳати борлигини кўрсатади. Аммо унинг саҳифалари босмаҳонада босилмайди, балки муаллифлар томонидан оғзаки баён қилинади. Журнал одатда 2-2,5 соат, ҳар бир саҳифаси эса 15-35 дақиқа давом этади.

Оғзаки журнални муҳаррир кириш сўзи билан очади.

1-саҳифа: “Жадидчилик ҳаракати”.

2-саҳифа: “Тарих ичра мунаввар бир ном”.

3-саҳифа: “Миллат зиёси йўлида”.

4-саҳифа: “Қатағон машинаси”.

1-саҳифа

“Жадидчилик ҳаракати”

Ушбу саҳифада жадидчилик ҳаракатининг пайдо бўлиши, мазмун-моҳияти ва унинг Ўрта Осиёга ёйилиши ҳақидаги маълумотлар ёритилади.

2-саҳифа

“Тарих ичра мунаввар бир ном”

Бу саҳифада Мунавварқорининг таржимаи ҳоли тўғрисидаги маълумотлар берилади.

3-саҳифа

“Миллат зиёси йўлида”

Мазкур саҳифада Мунавварқорининг жадид мактаблари учун ёзган дарсликлари, газета ва журналларда чоп этилган мақолалари хусусида сўз боради.

4-саҳифа

“Қатағон машинаси”

Сўнгги саҳифада Мунавварқори ҳаётининг охириги йиллари қандай кечгани тўғрисидаги маълумотлар берилади.

Давра суҳбати

“Мунавварқори Абдурашидхоновнинг ҳаёти ва фаолияти”

мавзуда давра суҳбатини тайёрлаш бўйича тавсиялар

Кутубхоналар, АКМ ва АРМларда Мунавварқори Абдурашидхоновнинг таваллуд кунига бағишлаб давра суҳбатини уюштириш мумкин.

Ушбу тадбирни ўтказиш учун тайёргарлик ишлари 1ой илгари бошланади.

Меҳмонлар (мутахассислар) ва иштирокчиларга таклифномалар юборилади. Давра суҳбати учун жой танланади. Мавзуга оид адабиётлар кўргазмаси ташкил қилинади. кўргазмадаги адабиётлар юзасидан шарҳ ўтказиш тавсия этилади.

Давра суҳбати доирасида қуйидаги мавзулар бўйича чиқиш қилиш мумкин:

- Жаҳидчиликнинг пайдо бўлиши ва Мунавварқорининг таржимаи ҳоли.

- Унинг жаҳид мактаблари учун ёзган дарсликлари ва уларнинг ўша даврдаги аҳамияти.

- Унинг газеталарга ёзган мақолалари.

- Унинг турли жамиятлардаги фаолияти ва тутган мавқеи.

- Мунавварқорининг Шўро ГПУсида ёзган “Хотираларим” асари ҳақида.

- Ҳаётининг сўнгги йиллари.

Тадбирни бошловчи кириш сўзи билан очади ва ташриф буюрган мутахассислар билан таништиради ҳамда сўз учун уларнинг бирига навбат беради. Мутахассиснинг чиқиши якунлангач, бошловчи китобхонларнинг маъруза юзасидан нотикқа саволлари бор йўқлиги билан қизиқади, саволлар бўлса мутахассиснинг жавоби тингланади. Шу тарзда барча таклиф этилган мутахассислар тингланади. Давра суҳбати сўнггида бошловчи тадбирни якуний сўз билан тугатади.

Учрашув кечаси

Кутубхоналар АКМ ва АРМларда Мунавварқори Абдурашидхоновнинг таваллуд кунига бағишлаб адабиётшунослар, тарихчилар, ёзувчилар билан учрашув кечаларини уюштириш мумкин. Кечага тайёргарлик одатда 3-4 ҳафта олдин бошланади.

Кеча ўтказилаётган залда кечанинг мавзуси бўйича китоб кўргазмаси ташкил этилади ҳамда кўргазмадаги адабиётлар шарҳи ўтказилади. Плакатлар тайёрланади. Меҳмонларга

таклифномалар юборилади. Кутубхонада учрашув кечаси уюштирилаётгани ҳақида эълон берилади.

Учрашув кечасида тадбирни бошловчи олиб боради. У сўзга чиқиб йиғилганларга кечанинг мавзуси ҳақида қисқача маълумот беради ҳамда сўзга чиқувчиларни ҳамда меҳмонларни йиғилганларга таништиради ва сўзга чиқиш учун бирини таклиф этади. Шу тартибда барча сўзга чиқувчилар тингланади. Учрашув кечаси давомида Мунавварқорининг асарларидан парчаларни ифодали ўқиш ва ушбу ўқиш кутубхонанинг китобхони томонидан бажарилиши ёки асарларидан сахна кўринишини намоёниш этиш мумкин.

Тадбир охирида бошловчи кечада киштирок этганларга шуниндек барча ташриф буюрганларга миннатдорчилик билдириб кечани якунлайди.

Қуйида кечада фойдаланиш мумкин бўлган Мунавварқорининг насрий ва назмий асарларидан намуналар келтирамиз.

Бизда ҳамият

Ҳаво киш ўлдиғиндан ғоят совуқ эди. Кўчалар билчираб битган, бутун атрофни балчиқлар ифлос қилиб ташлаган эди. Шул балчиқларнинг ўртасиндан, балчиқларга ботган, кийимлари йиртилган, икки кўзи нобаҳо бир етим бола йўлида асо ушлаб келмоқда эди. Лекин бу етим болани кўрган инсон ҳар қандай ҳамиятсиз бўлса ҳам раҳми келур эди.

Мени ёнимдаги зиёлилар “назар-диққатларина жалб этдирдилар”. У етим бола бизларга яқин келди-да, шул ерда одамлар борлигини билмиш каби қарамакга бошлаб бизларга қарши маъюслик бирлан шундай деди:

- Таксирлар, менга шафқат этиб бир оз маованат қилинғизлар! - дедиғи бирлан ман ёнимдаги зиёлиларни бир нарса бермакларин таклиф этдим. Маним бу таклифим А. афандиға ўхшамадиғиндан манга таҳқир назари бирлан бир қараб олдиғиндан сўнгра бу етим болаға қараб шўйла дедилар:

- Сен ёшсан. Куч ва қувватинг бор, ўқи, мардикор ишла, андин сўнгра пул топилаур,- деб қатъий сўзламишдилар. Заволли бола йиғлаб ёлинғон товуш бирлан:

- Ўргулай почча, ўкий десам кўзларим кўр, мардикор ишламак мумкин эмас, балчиқлардан юролмайман, қорним оч, таом егани қудратим етмайди... нима қилай?- дедиғи аснода А. афанди ғоятда шиддатли этиб шундай дедилар:

- Оврўполиклар кўр, қулоқсиз қар ва ҳоказо ўқумоғи мумкин бўлмағон инсонларга махсус этиб мактаблар очғонлар ва у мактаблардан кўр, қарлардан ўқуб чиқғон инсонларнинг ҳад ва ҳисоби йўқ, сан ҳам шундоғ мактабда ўқи.

Шундоғ деб эрдилар, зиёлилар қаҳқаҳа этиб кулуб юбордилар. Ман ҳам шу сўзларни сўзладим:

- Сиз бу сўзларингизни қайси ерда сўзларсиз? Берлиндами ва ё Лундундами, ўзингизни зан этурсиз... ақлингиз қайси ерда? - деб эрдимки, А. афандининг чехралари буришиб, аччиғлари бирлан манға қараб:

- Сан ёшсан, ҳали санга гап тушғани йўқ, - деб эрдилар, ман жавобан:

- Афандим? Бу вақтда ёшға қарамайди, ҳар бир киши фикр, ақл, зеҳн, хизмат, ҳамиятға қараб қолғондир.

Зиёлилар ҳам А. Афандининг сўзларина ғоят даража муқаддир бўлдилар. Вужудлари титрамакға бошлади. Мани ҳам ҳамиятим қайнай бошлади ва зиёлиларға қарши:

- Ажабо! Бизлар ўн-ўн беш киши иттифоқ этиб, шу етим болани тарбия қилсак бўлмайдими? – дедигим вақтда Н. ва Й. афандилар масрур бўлиб қабул этган каби бошларини қимилдотдилар-да, сўнгра шуни илова этдилар:

- Сўзладиғингиз тўғри, аммо А. афанди келсунлар, сўнгра музокара этамиз.

Бу сўзларина қарши А. афанди ғоят ваҳшиёна бир назар бирлан:

- Сизлар ўзингизни зиёлиман дейсизлар, аммо ... қилғон ишларингиз ҳеч бири зиёлиларнинг ишлариға ўхшамайди?

Фақир А. афандининг бу сўзларина ғоят даража хафа бўлиб, шундоғ дедим:

- Демак, сизнинг занинғизча, зиёли бўлмак учун ҳамиятсиз, раҳимсиз ўлмак лозимдирми?... Агарда зиёли бўлмак учун шу шарт лозим эса, балки сизни зиёли ўлмоқингиз лозимдир.

Бизнинг занимизга зиёли ўлмак ғоят мушкул бир нарсадир. Зиёли Миллат, Ватан нима эндиғини билур ва зиёли миллат учун жонини, молини фидо этар ва миллатнинг тараққийси учун доимо ҳаракат этар. Вақти келганда, миллат учун ўзини ҳалокат вартасина ташламакга муҳайё бўлур. Сизнинг билмағингиз лозимдирки, бизнинг миллатимизга садо ва сўз бирлан зиёли номини олғон инсонлар лозим эмас. Балки, хизмати, ҳаракати, ёрдами ва ҳиммати бирлан зиёли номини олғон инсонлар лозимдир. Йўқ эса, “Миллат”, “Ватан”, “Маданият” – шунга ўхшаш сўзларни билмак билан инсон зиёли бўлмайди. Агарда шунларнинг маънисини сўрар эсам, балки билмасангиз деб эрдим, А. афанди ғоятда хафа бўлиб, биздан ажралдилар. Биз ҳам буни кўриб, кулиб қолдук. Бирда қарасам заволли бола бир деворга суянмиш ётиур.

- Сан ҳозирча бориб тур. Эрта ва ё бириси кун кел. Ул вақтда сани ўз ёнимизда тарбия этамиз!

- Раҳмат, раҳмат, Худо хайр берсун, -деб кетди.

Бизлар ҳам иттифоқ бирлан ҳар биримиз ҳар тарафга, А. афанди ҳолига таассуф этуб тарқалдук.

Ҳимматли фақир

Бир замонда чиқмиш экан саховатли бир киши,
Фақирларга шафқат экан кеча-кундуз қилмиши.
Ҳар кун килиб бир қозон ош, муҳтожларга берарди,
Сийлар эди мискинларни, очларни тўйдирарди.
Қайда кўрса камбағални, етимларни, тулларни,
Пул берарди, қутқазарди асирларни, қулларни.
Ўз кўнглида ўйлар эди: кўп яхшидир бу иши,
Топилмайди ҳеч ўринда бундай ҳимматли киши.
Муҳтожларни излаб бир кун кезди кўча-куйларда,
Масжидларда, мазорларда, эски-туски уйларда.
Бир бузуқ уй: девор, томи ҳар томонга йиқилган,
Бурчагида бир камбағал ўтирибдир сиқилган.
Қўлга олган тол новдани, тинмай сават тўқийдур
Лабларини пичирлатиб бир нарсани ўқийдур.
Ҳеч томонга қарамайди, пешонаси терлаган,

Кийимлари йиртиқ-йиртиқ, юз-қўллари кирилган.
Олтмиш-етмиш ёшга етган, яхшигина қартайган,
Камбағаллик, иш меҳнатда ранги-рўйи сарғайган.
Буни кўргач, ул сахийнинг юраклари эзилди,
Кўзларидан чиққан ёшлар юзларига тизилди.
Бориб айтди: “Эй отажон, бу ўринни қўйингиз!
Тайин қилай бир яхши жой, ул ер бўлсин уйингиз.
Роҳат қилинг, қартайибсиз, кийим, таом берайин,
Қандай нарса истасангиз, уни тамом берайин!”
Бу сўзларга кулоқ солди у камбағал ишчи чол,
Кулиб деди: “Раҳмат, аммо менда бордир бир хаёл:
Ўзгаларнинг текин нонин оч қолсам ҳам олмасман,
Ўз кучим-ла бир парча нон топиб, уни тишларман
То танимда жоним бордир, касбимдан қолмасман
Ҳозир менинг кўзим кўрар, қўлим тутар, ишларман,
Шул сабабли таклифингиз манга тўғри келмайдир,
Текин нонга ким ўрганса, ҳиммат надир билмайдир”.
Энг ҳимматли манман деган сахий буни тинглади,
Камбағал чол ҳимматининг ортиғлигин англади.

Ҳар ким экканини ўрар

Бир кишининг отаси
Кўп яшамиш, қартаймиш.
Соч-соқоли оқармиш,
Беллари кучдан қолмиш.

Нон еганда лаблари
Бурни билан сўзлашур.
Чой ичганда қўллари
Қалтирашиб, титрашур.

Бели икки букилган,
Юрай деса, юролмас.
Бир ўтурса, ўрнидан
Кўтармасанг, туролмас.

Ўғил, келин, неvara
Зерикдилар бу ҳолдан
Қутулмоқчи бўлдилар
Бир иш қилиб у чолдан.

Кириб бир хилват уйга,
Сўзлашдилар учовлон;
Ўғил билан неvara
Қилди ўз фикрин баён

Сўзлар бир оз чўзилди,
Мажлис узоққа кетди.
Навбат келди келинга
У ҳам ўз фикрин айтди.

Келин деди: “Сизларнинг
Тўғри эмас ўйингиз.
Энг яхшиси, сахрога
Олиб чиқиб қўйингиз!

Биров кўмар ўлигин,
Кўрмас бизнинг кўзимиз.
Машаққатсиз бу ғамдан
Қутулғаймиз ўзимиз”.

Ўз фикрини сўзлашда
Келин уста йўл тутди
Бир оғиздан мажлисда
Келиннинг фикри ўтди

Ўғил билан неvara
Кун кеч бўлгач, турдилар;
Кўтардилар у чолни,
Сахро сари юрдилар.

Бир ўринга етганда,
Сўзга кирди ўша чол.
Деди: “Ўғлим! Сўзимга
Бир оз энди кулоқ сол:

Ман отамни бир замон
Бу ўринга келтириб,
Ташлаб кетган чоғимда
Қолган эди термулиб

Навбат келди ўзимга,
Сен ҳам мени келтирдинг,
Мен отамга на қилсам,
Эмди менга сен қилдинг.

Менга ярар шул ўрин
Бир кун сенга ҳам ярар.
Эл аро бор бир матал:
“Ҳар ким экканин ўрар!”

Бу сўзларни эшитгач,
Ўғил хўнграб йиғлади.
Отасига узр айтиб,
Хизматга бел боғлади.

“Мунаввар этди оламни” мавзuida китоб кўргазмасини ташкил этиш учун материаллар

1. Миллат зиёси йўлида

Ушбу бўлимга Мунавварқори Абдурашидхоновнинг илмий ва ижодий меросини ўзида мужассам этган ҳамда у ҳақидаги китоблар жойлаштирилади.

2.Тарих ичра мунаввар бир ном

Бу бўлимга Мунавварқори ҳақида вақтли матбуотда эълон қилинган мақолалар қўйилади.

Адабиётлар

Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида:
Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони 2001й. 1 май
//Хабарнома.-2001.-№2.-Б.51.

Абдурашидхонов Мунавварқори. Танланган асарлар
/Мунавварқори Абдурашидхонов; Таҳрир хайъати:
О.Шарафиддинов, Н.Аминов, Н.Каримов ва бошқ.-Т.:
Маънавият, 2003.-304 б.

Абдурашидхонов Мунавварқори. Хотираларимдан:
(жадидчилик тарихидан лавҳа).-Т.: Шарқ, 2001.-128 б.-
(Истиқлол фидойилари).

Зиёев Ҳ. Ўзбекистон мустамлака ва зулм исканжасида (XIX
аср иккинчи ярми-XX аср бошлари).-Т.: Шарқ, 2006.-352 б.

Маънавият юлдузлари (Марказий Осиёлик машҳур
сиймолар, алломалар, адиблар) /Масъул муҳаррир
М.М.Хайруллаев.-Тўлдирилган қайта нашр.-Т.: Абдулла
Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1999.-396 б.

Мингноров А. Туркистонда 1917-1918 йиллардаги миллий
сиёсий ташкилотлар: (миллий матбуот материаллари асосида)
/ЎзРФА тарих институти.-Т., 2002.-60 б.

Тарихнинг ҳасратли саҳифалари /Масъул муҳаррир Н.
Каримов, “Шаҳидлар хотираси” хайрия жамғармаси, “Мерос”
халқаро илмий-амалий экспедиция хайрия жамғармаси.-Т.:
Шарқ, 2006.-304 б.

Усмонов И. Қатағон қурбонлари.-Т.: Ўзбекистон, 1992.-223
б.

Шамсутдинов Р. Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар /Масъул
муҳаррир Н.Каримов.-Т.: Шарқ, 2001.-416 б.

Ғуломова М. Ўзбек зиёлиларининг камолоти.-Т.:
Ўзбекистон, 1992.-136 б.

* * *

Абдураззоқова И. Табаррук дарсхона //Ўзбекистон адабиёти
ва санъати.-2007.-21 сент.

Абдурашидхонов Мунавварқори. Хотираларимдан /С.Холбеков нашрга тайёрлади //Жамият ва бошқарув.-1998.-№2.-Б.67-69.

Авазов Н. Миллат фахри //Гулистон.-1992.-№5-6.-Б.11.

Авазов Н. Тараққийпарвар //Маърифат.-1995.-23 авг.

Айтматов Ч. Тоталитаризм қурбонлари. “Чингизхоннинг оқ булути” қиссаси ана шу ҳақда //Ватан.-1998.-21-27-28 авг.-3 сент.

Аъзамхўжаев С. “Шўрои исломия” – асли қандай эди //Фан ва турмуш.-1992.-№5-6.-Б.18-19.

Ёдгоров Ш. Инсон ҳуқуқлари ва жади́дчи́лик //Қонун ҳимоясида.-1999.-№8.-Б.38-39.

Муқимов З. Ўлим машинаси: Собиқ СССРнинг “қатағон” сиёсатига доир //Қонун ҳимоясида.-2001.-№1.-Б.32-34.

Раҳмонқулова А. Шўро тузумининг 30-50 йиллардаги қатағонлик сиёсати ва унинг усуллари //Ўзбекистон тарихи.-2000.-№1-2.-Б.96-101.

Сироҷиддин Аҳмад. Мунаввар этди оламини //Театр.-2007.-№1.-Б.24-27.

Сироҷиддин Аҳмад. Мунавварқори Абдурашидхоновнинг миллий истиқлол ҳаракатидаги ўрни ва роли //Ўзбекистон тарихи.-2000.-№4.-Б.13-18.

Сироҷиддин Аҳмад. Тарих ичра мунаввар бир ном: Тақдирдан тадбирлар //Тафаккур.-2000.-№1.-Б.80-84.

Содиқов С. Миллат зиёси йўлида //Тошкент ҳафтанома.-2000.-9 нояб.

Холбоев С. Фидойи //Жамият ва бошқарув.-1998.-№2.-Б.64-66.

Худойкулов М. Жади́длар ҳажвиёти //Соғлом авлод учун.-1997.-№12.-Б.22-24.

Шамсутдинов Р. Бутево маҳбуслари нега қатл этилди? //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2004.-15 окт.

Эргашева Н. Жади́дчи́лик ҳаракати ва Мунавварқори //Халқ таълими.-1996.-№5.-Б.67-71.

Қатағон анатомияси: [Қатағонлик тарихига оид] //Куч адолатда.-2002.-4 сент.-Б.4.

Қори Мунаввар ибн Абдурашидхон. Бизнинг жаҳолат, Фард.
Мақолалар //Маърифат.-1995.-23 авг.

Ҳотамов Ғ. Маърифатпарварлар армони //Соғлом авлод
учун.-2000.-№12.-Б.34-37.

Босишга рухсат этилди 2008 йил 10 апрель
Бичими 60x84 ¹/₁₆ нашр. т. 2,5 Адади 300 нусха.
Буюртма № 32

Тошкент, Ҳ.Сулаймонова кўчаси, 33. Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси босмахонасида чоп этилди